



06

2020
IYUN

ISSN 2091-554-3

Тузиевров а

VETERINARIYA MEDITSINASI



TIBBIYOT INSONNI,
VETERINARIYA INSONIYATNI ASRAYDI!

Бугун тез ва сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш зарур, жуда зарур. Негаки, тадбиркору ҳовлисида мол боқишни бошлаган аҳоли малакали мутахассис маслаҳати ва кўмагига доимо эҳтиёж сезади. Буни тўғри тушунган янгиқўрғонлик Шавкатжон Саматов иккита “Дамас” автомашинасини сотиб олдию уларни тўлиқ жиҳозлаб, туну кун ишлайдиган “веттезёрдам”ни ташкил этди.



**Таҳрир ҳайъати раиси вазифасини
вақтинча бажарувчи**

Х. Юнусов – б.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – академик

Б.Норқобилов – *Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш
Давлат қўмитаси раиси*

Ш.Джаббаров – в.ф.д.

А.Орипов – профессор

Ҳ.Салимов – профессор

Б.Салимов – профессор

А.Даминов – профессор

Р.Давлатов – профессор

Қ.Норбоев – профессор

Б.Нарзиёв – в.ф.н., доцент

Б.Элмуродов – в.ф.д.

Н.Йўлдошев – в.ф.д.

Х.Ниёзов – в.ф.д.

Н.Дилмуродов – профессор

Х.Бозоров – в.ф.н., доцент

Ғ.Менглиев – в.ф.н.

**Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Ғайрат Менглиев

Мусахҳиҳ

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш Давлат қўмитаси**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш Давлат қўмитаси,
«AGROZOOVETSERVIS»

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 2 февралда
0284-рақам билан рўйхатга олинганЖурнал 2007 йил сентябрдан
чоп этилмоқдаМанзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.Таҳририят манзили: 100022, Тошкент
шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 831-61-33; 93 515-84-80

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4290.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 23.06.2020.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #06 (151) 2020
"SIFAT XIZMAT MEDIA" МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
100000, Олой кўчаси, 1-уй.Б.Норқобилов – Ижодкорнинг ҳар бир сўзи жамиятда бонг
урувчи муҳим қўнғироқдир..... 3**Долзарб мавзу**

Қарор ижроси – тараккиёт кафолати..... 4

СамВМИ: Филиаллар фаолияти такомиллашмоқда 6

А.Алиқулов – Фойда кўзлаясизми, чорвани оч қўйманг! 7

Н.Эргашев – “Веттезёрдам” – тезкор, сифатли хизмат демак..... 10

Юқумли касалликларИ. Дж.Мурзалиев, Г.Менглиев – Биогеоценоз почвенных
микрофлор 12М.Абдуллаев ва бошқ. – Саноатлашган паррандачиликда
репродуктив органлар патологиясида аралаш инфекциялар
муаммолари 14З.Э.Рузиев – Пути и факторы передачи вируса лейкоза крупного
рогатого скота 17Х. А.Сафаров, З. Б.Маматова – Ньюкасл касаллигининг
профилактикасини такомиллаштириш воситаси 19**Юқумсиз касалликлар**Ж.Н.Мусурмонов, Р.М.Таштемиров – Отларда оғиз бўшлиғи
касалликлари диагностикаси тамойиллари 21О.У.Қўлдашев ва бошқ. – Экологические проблемы
симптоматического бесплодия у коров 23Б. М.Эшбўриев, Ш.А.Ботирова – Бузоқлар анемияси
сабаблари, симптомлари ва қондаги ўзгаришлар 25**Паразитар касалликлар**М. Ю.Раҳимов, Ф.С.Пўлатов – Эктопаразитларга қарши
дельтаметриннинг самарадорлиги 27**Фармакология ва токсикология**А.Холиқов ва бошқ. – Гормонал препаратларнинг хайвонлар
бепуштлигини даволашдаги аҳамияти..... 29**Тажриба алмасиш**Н.О.Ражабов ва бошқ. – Тут дарахтининг янги селекцион
навлари баргларининг кимёвий таркибини ўрганиш 31Ш.Р.Умаров ва бошқ. – Хўжалик қимматли белгилари юқори
бўлган тут навларини яратишда селекцион номерлардаги танлов
ишларининг аҳамияти 33**Табрик**

Паразитолог олим 80 ёшда..... 36

Бўш келманг, Калонов 36

Саломат бўлинг, ҳамкасб..... 36

60 ёш муборак 36

УДК: 619.576.895.751

Раҳимов М. Ю., Пўлатов Ф.С.,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ЭКТОПАРАЗИТЛАРГА ҚАРШИ “ДЕЛЬТАМЕТРИН”НИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

В статье изучено фенограмма и эффективность 0,015 процентной эмульсии дельтаметрина против доминантных эктопаразитов (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *Rh. bursa*, *B.bovis*) крупного рогатого скота.

Ключевые слова: фауна, миграция, динамика, доминант, трансмиссив, вектор, акарицид, препарат, эмульсия.

Хайвонлар миграциясининг ошиши сабабли, эктопаразитларнинг тарқалиш ареаллари кенгаймоқда. Фермаларда хавfli трансмиссив касалликларни тарқатувчи янги биопатоген эктопаразитлар пайдо бўлмоқда. Бундан қорамолчилик ва қўйчилик фермалари кўпроқ талофат кўрмоқда.

Тадқиқот услуби. Терилган эктопаразит турлари арахноэнтмология лабораториясида микроскопик ва морфосистематик текширишлардан ўтказилиб, қўлланма ва аниқлагич жадваллар, жумладан, «Атлас иксодоидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ва бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Тойлоқ, Жомбой, Ургут, Пайариқ туманлари экотон ва экотоплари

Summary

In article it is studied fenogramma and high efficiency 0.015 percentage emulsions a preparation deltamethrin against prepotent ectoparasites (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *Rh. bursa*, *B.bovis*) a horned cattle.

шахсий хўжаликларидоги (аҳоли қармоғидаги) қорамолларда олиб борилди.

Январь-март ойларида экотопларда хусусий хўжаликларда мавжуд шахсий қорамоллардан 153 бош текширилганида, уларнинг 143 боши фақат *Bovicola bovis* (жунхўрлар) эктопаразитлари билан кучли, яъни 93,4 фоиз зарарланганлиги маълум бўлди.

Апрель ойида қорамолларнинг эктопаразитларига қарши синов тажрибалари мобайнида жами 49 бош қорамол текширилди ва 23 бош молларда паразит каналар топилди. Асосан, *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*) авлодларига мансуб турлар учради. 35 бош моллар бовиколёз (*Bovicola bovis*) касаллиги билан касалланганлиги аниқланди (жадвал 1).

Текширувлар мобайнида Самарқанд вилояти Тойлоқ, Ургут, Жомбой, Пайариқ туманлари эко-

1- жадвал.

Қорамоллар эктопаразитларининг мавсумий фенограммаси.

Топилган эктопаразит турлари	Ойлар бўйича (экз.)									
	I-III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
<i>Hyalomma anatolicum</i>	-	+	++	++	++	++	+	+	-	-
<i>H.plumbeum</i>	-	-	++	++	++	++	+	+	-	-
<i>H. detritum</i>		+	+	++	++	++	-	-	-	-
<i>Rhipicephalus bursa</i>	-	+	++	++	++	++	+	+	-	-
<i>Rh. turanicus</i>	-	-	-	+	++	++	+	-	-	-
<i>Haemaphysalis sulcata</i>	-	-	+	+	+	+	-	-	-	-
<i>H. punctata</i>	-	-	+	++	++	+	+	-	-	-
<i>Dermacentor marginatus</i>	-	+	++	++	++	++	+	+	-	-
<i>Bovicola bovis</i>	++++	++++	++++	++++	+++	+++	++	++	+++	+++

Эслатма: + - доналаб, ++ - ўнлаб, +++ - юзлаб, ++++ - минглаб.

Дельтаметрин 5% препаратини синаш натижалари.

Т.р.	Препарат кон-центрацияси (фоиз)	Мол тури	Сони (бош)	Паразит тури	Дозаси	Экстенс самара (фоиз)
1.	0,015	қорамол	23	Hyalomma anatolicum, Rh. bursa	500мл/б с.э. 1,5мл/б ФТМ	2 суткадан сўнг 90%
2.	0,015	қорамол	20	H. anatolicum Bovicola bovis	600мл/б с.э. 1,8мл/б ФТМ	2 суткадан сўнг 100%
3.	0,015	қорамол	17	H. anatolicum, H. plumbeum, Rh. bursa	1,5л/б с.э. 4,5 мл/б ФТМ	1 суткадан сўнг 100%
4.	0,015	қорамол	22	Bovicola bovis H. anatolicum	1,5л/б с.э. 4,5 мл/б ФТМ	1 суткадан сўнг 100%

тон ва экотоплари, тўқайзорлари шароитида эктопаразитлардан – *Bovicola bovis*, иккод каналаридан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis* (*H. sulcata*, *H. punctata*), *Dermacentor marginatus* авлод вакиллари аниқланди.

Эктопаразитларнинг экстенсивлиги ва интенсивлиги фаслларга, иқлим ва хўжаликнинг санитария шароитларига, чорвачиликни олиб бориш тузилмаларига ва бошқа кўплаб экологик омилларга биноан ҳар хил тарзда кечади. Бинодаги юқори намлик ва қулай ҳарорат, киш ойларидаги қуёш нурининг етишмовчилиги, ҳайвон жунларининг узун бўлиши, уларни сифатсиз озиклантириш ва зич сақланишлари эктопаразитларнинг ривожланиши ва тез тарқалиши учун қулай шароит туғдиради. Эпизоотологик текширишлар натижасида эктопаразитларнинг қорамоллар танасида пайдо бўлиш даражаси чорвачилик маданияти ва ферма ҳамда молларнинг санитария ҳолатига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Хитойда ишлаб чиқарилган “Дельтаметрин” 5% ли препаратини 0,015% ли сувли эритмаси шаклида қорамолларнинг *Hyalomma anatolicum*, *H. plumbeum*, *Rhipicephalus bursa* ва *Bovicola bovis* эктопаразитларига нисбатан синов тажрибалари ҳар хил дозаларда пуркаш усулида ўтказилди. Тажрибалар 72 бош спонтан ҳолда зарарланган қорамолларда олиб борилди (жадвал 2).

Дориланган моллар 3 кун мобайнида қузатилди. Препаратни қўллаш жараёнида ҳаво ҳарорати +20+28° ташкил этди. Қузатувлар мобайнида до-

риланган моллар физиологик ҳолатида салбий ўзгаришлар қузатилмади.

Хулоса.

1. Самарқанд вилоятининг экотон, экотоплари ва тўқайзорлари шароитида жунхўрларнинг - *Bovicola bovis*, иккод каналарининг - *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis* (*H. sulcata*, *H. punctata*), *Dermacentor marginatus* турлари қорамоллар танасида асосий патоген агентлар сифатида шаклланган.

2. “Дельтаметрин” препаратини 0,015% ли эмульсиясидан 600-1500 мл/бош ҳажмда ишчи эмульсия тайёрланиб қўлланилганда, эктопаразитларга (*Bovicola bovis*, *H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *Rhipicephalus bursa*) қарши 100% паразитоцидлик хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Благовещенский Д.И. “Определитель пухоедов (Mallophaga) домашних животных”. Фауна СССР. М.-Л.: изд. АН СССР, 1940.
2. Беклемишев В.Н. «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека». Государственное издательство медицинской литературы, Медгиз. Москва, 1958.
3. Агринский Н.И. “Насекомые и клещи вредящие, сельскохозяйственным животным”. Москва, 1962.
4. Рузимуратов А. “Паразитизм биологический. Оптимизация животноводства”. Самарканд: ГП. «Zarafshon”, 2010.